

ПАНЖ ДАРЁСИНИНГ ИРМОҚЛАРИНИНГ ТЎЙИНИШ МАНБАЛАРИ

Баширов А.Н. (Самарқанд)

Мақолада Панж дарёсининг тўйиниш манбалари Помир дарёси, Оқсув Бартанг, Мурғоб ва Қизилсув дарёларини ирмоқларининг миқдорий кўрсаткичлари, географик жойлашуви ҳақида ёритилади

Помир дарёси Панж дарёсининг ирмоғи бўлиб, у 4125 м баландликда жойлашган Зўркўл кўлидан оқиб чиқади. Помирнинг бош манбаи-Қоражилға дарёси Воҳон тизмасидаги водий музлигидан тўйиниб у ўз сувини Зўркўл кўлига қуяди. Водий музлигининг узунлиги 3,9 км, музликка ғарбдан учта музлик ва шарқдан иккита музлик оқиб келиб қўшилади. Музликни қуйи чегараси 4500 м баландликда ётади. Қор чегараси 5039 м баландликдан ўтади. Қоражилға водийси асосий катта музликдан ташқари яна 5 та майда водий музликлари. Бу музликларнинг қуйи чегараси 4400-4500 м баландликда жойлашган. Қор чизигининг чегарси 4950-5000 м баландликда ўтади. Шундай қилиб Воҳон тоғ тизмасидаги музликлар ва қорлар икки дарёнинг бошланишига сув беради. Булар Помир ва Истик дарёларидир. Бу ерда мавжуд бўлган музлик ва мангу қорларнинг умумий майдони 94,1 км² бўлиб, шундан 62 км² и Помир дарёси ҳавзасига, 32,1 км² и Истик дарёси ҳавзасига тўғри келади (Забиоров, 1955). Ғунт дарёси Жанубий Аличур тоғ тизмасидаги бир қатор музликлар ва доимий қор сувларидан тўйинади. Ғунт дарёси асосан Аличур тизмасидан оқиб тушувчи бир қанча сой ва жилғаларнинг бирлашувидан ҳосил бўлади. Мазкур дарё юқори қисмида Аличур дарёси номи билан оқади. У 75 км масофа давомида ботқоқлик ва кичик — кичик кўлларга эга бўлган кенгводийда оқиб ўтиб 3735 м баландликда жойлашган Яшилкўлга келиб қуйилади. Бу кўлдан оқиб чиққач, дарё Ғунт номини олади ва аксарият жойларда тор водийдан оқиб ўтади.

Жанубий Аличур тизмаси кенглик бўйлаб йўналишда ғарбда Шохдара дарёсини юқори манбаидан, шарқда Истик дарёсигача чўзилган. Унинг узинлиги 138 км ни ташкил этади. Тизманинг шимолий ён бағри Аличур водийсига бориб таянади. Бу водийнинг баландлиги 3700-4000 м атрофида. Жанубий ён бағри эса баландлиги 4200 м дан 3400 м гача бўлган Помир дарёси водийсига пасайиб боради. Ҳозирги музликлар тизма бўйлаб кенг тарқалган, лекин энг йирик водий музликлари Жанубий Аличур тизмасининг ғарбий чекка қисмида, Қўйтезак довони яқинида жойлашган.

Музликларнинг жойланиши ва тарқалишига кўра Жанубий Аличур тизмаси икки қисимга бўлинади: 1) музликлар кам бўлган ғарбий қисми ва 2) музликлари кўп бўлган шарқий қисми. Булар оралиғидаги чегара Харгўш довонидан ўтади. Тизманинг ўртача баландлиги 5050 м. Водий музликларининг асосий қисми 5400 м дан юқори жойлашган. Шимолий ён бағрда 4та йирик водий музликлари бўлиб, шулардан энг каттаси Ғурумди музлигидир. Унинг узунлиги 3,8 км, энг қуйи чегараси 4555 м баландликдан

ўтади. Қолган 3 та музлик 4600-4750 м баландликда жойлашган. Қор чизиги 4980-5000 м баландликдан ўтади.

Бартанг дарёси Панж дарёсининг энг йирик ирмоғи бўлиб у Афғонистон худудида Оксув номи билан бошланади. Оксув дарёси ҳам иккита ирмоқдан ташкил топган бўлиб, ўнг ирмоғи Сарикўл тизмасидаги музликлардан, чап ирмоғи эса Воҳон тизмасидаги музликлардан тўйинади. Мурғоб шаҳри яқинида Оксув дарёсига Музқўл тизмасидаги мангу қор ва музликлардан тўйинадиган жанубий Оқбайтал ирмоғи келиб қуйилади. Оксув дарёсининг таги текис ва ясси бўлган кенг водийда оқади. Оқбайтал ирмоғининг қуйилиш жойига яқин қолганда дарё водийси кескин торайиб, тик ён бағрли дарага айланади. Оқбайтал келиб қуйилган жойдан бошлаб Оксув дарёси Мурғоб дарёси номини олади.

Мурғоб дарёси Қорасув ирмоғининг қуйилиш жойига қадар кенг водийда оқади. Қорасув ирмоғи қуйилгач дарё водийси торая бошлайди. Агалхар ирмоғи қуйилган жойдан бошлаб Мурғоб дарёси айрим жойларда чуқур тор водийда оқади. Бўзтерс ва Тошкуруй ирмоқлари қуйилгач, 219 км оқиб ўтиб, Мурғоб Сарез кўлига қуйилади. Бу кўлдан чикқач Мурғоб дарёси уч тўрт км масофада кенг водийда оқиб, Барчидив қишлоғига 5 км қолганида тор тангилар ҳосил қилади. Бу қишлоқдан Қувдара ирмоғининг қуйилиш жойига қадар дарё V-симон водийда оқади. Қувдара ирмоғи қуйилганидан сўнг Мурғоб дарёси Бартанг дарёси номини олади. Музқўл тоғ тизмаси музликларида тўйинадиган Кўкуйбел дараси ва Шимолой Танимас тоғ тизмаси музликларидан тўядиган. Кўкуйбел дарёси ва Шимолий Танимас тоғ тизмаси музликларидан тўйинадиган Танимас дарёси ҳам ўз сувларини Бартанг дарёсига олиб келиб қуяди. Панж дарёсининг унча катта бўлмаган ирмоқларидан бири Язғулом дарёсидир. Мазкур дарё Язғулом тоғ тизмасидаги абадий қор ва музликлардан бошланади. У юқори оқимида Обимозор деб аталади. Язғулом дарёсининг асосий қисми тор водий ҳосил қилиб, чуқур ўзанда оқади. Унинг узунлиги 71 км, ҳавзасининг майдони 1940 км² ни. Танимас дарёси ҳам ўз сувларини Бартанг дарёсига олиб келиб қуяди. Панж дарёсининг унча катта бўлмаган ирмоқларидан бири Язғулом Дарёсидир. Мазкур дарё Язғулон тоғ тизмасидаги абадий қор ва музликлардан бошланади. У юқори оқимда Обимазор деб аталади. Язғулом дарёсининг асосий қисми тор водий ҳосил қилиб, чуқур ўзанда оқади. Унинг узунлиги 71 км, ҳавзасининг майдони 1940 км².

Панж дарёсининг ўртача катталикидаги ирмоқларидан яна биттаси Ванч дарёсидир. Унинг узунлиги 92 км, сув йиғилиш майдонининг катталиги 1810 км². Ванч дарёси юқори оқимида Пойтозор деб аталади. Унинг водийси Язғулом дарёсининг водийсига қараганда анча кэнг. Ванд дарёсининг ўзани жойларида, айниқса юқори қисмида тармоқларга ажралиб оқади. Фақат Панж дарёсига қўйилиш жойига 17 км қолганда Ванч якка ўзанда оқа бошлайди. Ванч дарёси Фанлар Академияси тоғ тизмасидаги энг катта музликлардан бири бўлган география жамияти номидаги музликдан тўйиниб оқиб келади.

Панж дарёсига келиб қуйиладиган энг охирги йирик ўнг ирмоғи Қизилсув дарёсидир. Бу дарё Панжга қуйилай деган жойда бирлашадиган иккита мустақил дарёдан- Қизилсув ва Яхсув дарёларидан ташкил топади. Ҳар иккала дарёнинг сув йиғилиш майдонлари Панж дарёсининг бошқа ирмоқларига қараганда анча паст жойлашган. Қизилсув дарёси юқори қисмида Ишқўлдара, ўрта қисмида эса Шўробдара номи билан оқади. Қизилсув дарёси Орал қишлоғидан юқорида кенг қайир бўйлаб ўз-ўзанини ўзгартириб турадиган ва тармоқларга ажралиб кетган ўзанларда оқади. Орал қишлоғидан ўтгач, Қизилсув водийси аввал Яхсув водийси билан кейинроқ эса Панж водийси билан қўшилиб кэтади. Қизилсув ва Яхсув водийларидан булоқлар кўп тарқалган бўлиб улар мавсумий қорлар эриб тугаган ва ёмғирлар ёғмаган пайтларда дарёларни сув билан таъминлаб туради. Қизилсув ва Яхсув дарёларининг суви қисман қишлоқ хўжалик экинларини суғоришга сарфланади.

Панж дарёси ҳавзасида сув йиғилиш майдонининг ўртача баландлиги 4046 м. Ҳавза ҳудудида 5000 м дан баланд бўлган жойлар 11,5 % ни, 4000 м дан баланд бўлган жойлар 56,1 % ни 3000 м дан паст бўлган жойлар эса сув йиғилиш майдонининг атига 9,3 % ни ташкил этади. Сув йиғилиш майдонининг бунчалик даражада баланд бўлиши Панж дарёси ва унинг йирик ирмоқларининг тўйиниш ҳарактерини оқим режимининг гидродинамик ўзгаришини ва бошқа гидрографик хусусиятларини белгилаб беради. Сув йиғилиш майдонининг баланд тоғ тизмаларида жойлашганлиги туфайли Панж дарёсининг Қизилсувдан бошқа барча ирмоқлари ва унинг ўзи ҳам музлик-қор сувларидан тўйинади. Шу боисдан Панж дарёси оқим режими ва унинг гидродинамик ўзгариши бевосита фаслларга боғлиқ.

Панж дарёсининг ўртача йиллик сув сарфи унинг қуйи қисмида 1000 м^3 ни ташкил этади. Максимал сув сарфи июль ойида, минимал сув сарфи эса декабр- февраль ойларида кузатилади. Максимал сув сарфлари айрим йилларда $4000 \text{ м}^3/\text{сек}$ гача етган, минимал сув сарфлари эса айрим кунлари 2000 м^3 гача тушган. Лекин бундай ҳолатдаги оқим режими ва унинг гидродинамик ўзгариши кам содир бўлади. Панж дарёсининг фақат битта ирмоғи- Қизилсув дарёси мавсумий қорлардан тўйинади. Панж дарёсининг ирмоқларига тегишли баъзи маълумотлар 1- жадвалда келтирилган.

1-жадвал.

**Панж дарёси ирмоқларининг миқдорий кўрсаткичлари
(Шульц, Машрапов 1969).**

т/р	Дарёнинг номи	Узунлиги, км	Сув йиғилиш майдони, км^2	Ҳавзасининг ўртача баландлиги, м	Ўртача йиллик сув сарфи, $\text{м}^3/\text{сек}$	Ўртача оқим модули, л/сек км^2
1	Помир	124	4400	4591	-	-
2	Ғунт	313	15800	4418	109	6.90
3	Бартанг	558	24000	4433	129	5.38
4	Язғулом	71	1940	3850	37.7	19.6

5	Ванч	92	1810	3695	49.9	27.5
6	Қизилсув	262	8430	-	75.9	-
7	Яхсув	150	2650	1630	30.8	-

Геодезия, картография ва кадастр соҳаларини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. –Самарқанд, 2014. –Б. 154-155